

O'ZBEKISTON

OVOZI

ЎТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

2004-ЙИЛ 22-АПРЕЛ ПАЙШАНБА 49 (27.224) uzbevozi@sarkor.uz 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.



ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИШ — ОЛИЙ ШАРАФ

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролини Қучларига навбатдаги чакрив тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳамда ҳарбийга отланган йигитларни тантанали кузатиш ва кутиб олиш маросимлари давом этмоқда

Пойтахтимиздаги ҳарбий аэродромда Сурхондарё вилоятдан чақирилган, Тошкент ҳарбий округига қарашли қисм ва муассасаларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган аскарлар ҳамда ҳарбий либос кийишга ошиқайётган ўғлонларни кузатиш маросими бўлди. Унда Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари, Қуролини Қучлар Бирлашган штабининг масъул ходимлари ва отаналар иштирок этди.



Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси А.Орипов, Ўзбекистон оксколлар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси А.Гадойбоев, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, мудофаа вазири ўринбосари, полковник М.Аҳмедов ва бошқалар ота-онаси бағрига қайтаётган аскарларни Ватан олдидаги шарафли бурчини муваффақиятли адо этгани билан қизгин табриқлади.

Ватан ўғлонларини бағрига олган ҳаво кемаси Термиз аэропортида ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари томонидан тантанали кутиб олинди. Шу кунги Сурхон воҳасида ҳарбий хизматни адо этган Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилояти вакиллари ҳамда сурхондарёлик бўлғуси Ватан ҳимоячилари мазкур самолётда пойтахтга парвоз қилди.

Тадбирларда армия хизматини аъло даражада ўтаган ҳарбий хизматчиларга мамлакатимиздаги олий ўқув юртурларига кириш учун имтиёзли сертификатлар ҳамда Мудофаа вазирлигининг фахрий ёрликлари топирилди.

— Бу кун ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди, — дейди оқўргонлик оддий аскар Зоҳид Шайбеков. — Қуруқликдаги қўшинлар сафида хизматни яхши ўтаганим учун имтиёзли сертификатга эга бўлдим. Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика университетида кириб ўқимокчиман.

— Ўғлим Ёлдоржон йигитлик бурчини соғ-саломат ўтаб қайтганидан хурсандман, — дейди чинозлик Мавлуда Болжоннова. — Бир йил ичида ўғлимнинг бўйи чўзилиб, анча тўлишибди. Унга армия ёққан кўринади. Истагим, ўғлимни ҳарбийга жўнатган барча оналарга жигарбандиларини менга ўшаёқ шодхурамлиқ билан қаршилаш насиб этсин.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЙИРИКЛАШАЁТГАН МУАММО»

Юқоридаги сарлавҳали (2004 йил, 16 март) танқидий мақолада Хоразм вилоятининг Богот туманида қишлоқ хўжалик техникаларини узлуксиз ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда ечимини кутаётган айрим муаммолар ва рўй бераётган сансоларлик ҳолатлари баён қилинганди

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев имзоси билан олинган жавоб хатда мақола компанияда атрофлича кўриб чиқилгани ва кўрсатилган фактлар тасдиқ топгани маълум қилинади.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сонли қарорига асосан, — дейилади жавоб хатда, — бир қатор нефть базалари ва уларнинг филиаллари кам қувватли ва паст рентабелли объектлар сифатида тугатилган. Жумладан, Богот туманидаги Богот нефть базаси шу руйхатга кирган. Богот нефть базасининг бундан кейинги хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ва ундан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш масаласи ўрганиб чиқилиб, 2003 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 151/1-255-сонли қўрсатмаси билан мазкур нефть базасининг бир қисми деҳ-

қон-фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатуви ёнилғи тарқатиш шахобчаси (ФЭТШ)га айлантирилиши белгиланган. Хозирда ушбу масала ижроси юзасидан «Ҳазорасп нефть базаси» унитар корхонасида қатор ишлар амалга оширилди, жумладан, нефть базасини ФЭТШга айлантириш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, мавжуд технологик тизимда тегишли ўзгартиришлар қилинди, катта миқдордаги таъмирлаш ишлари олиб борилди, суюқлик ҳисоблагич ускуналари ўрнатилиб, турли нефть маҳсулотларини қуйиб бериш тармоғи яратилди. Шу билан бирга нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишда автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаларига қўйилаётган техник, ёнғинга қарши ва атрофмўҳитни муҳофаза қилиш талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сонли қарори билан тасдиқланган нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни

лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 1-иловасида белгиланган турли идоралар билан лицензиялаш ишлари олиб борилди. Натيجида ФЭТШга «44-сонли ФЭТШ» номи берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 476-сонли қарори асосида тугатилган Богот туманидаги «Чорвадор» ширкат хўжалиги негизда янгидан ташкил этилган фермер хўжалиқларини ҳамда 44-сонли ФЭТШга яқин масофаларда хўжалик фаолиятини кўрсатуви — олдиндан мавжуд бўлган фермер хўжалиқларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашда қулайлик туғдириш мақсадида «Ҳазорасп нефть базаси» унитар корхонаси Богот тумани ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда 249 та фермер хўжалигига нефть маҳсулотларини етказиб бериш борасида «ФЭТШ-44» фаолият кўрсатмоқда. Барча фермерларга ер майдонига қараб «технологик хариталар» асосида мунтазам равишда нефть маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Халқаро кўргазма

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзтибтехника» акциядорлик жамияти ва «Ўзэкспомарказ»нинг расмий қўллаб-қувватловида «Ўзэкспомарказ»да 9-Тошкент халқаро «Соғлиқни сақлаш» кўргазмаси очилди. Унга Буюк Британиянинг LTE (JV) халқаро кўргазмалар компанияси, ЎзЕхпрогта компанияси ташкилотчилик қилмоқдалар

— Тўққизинчи Тошкент халқаро кўргазмаси мамлакатимиз тиббиёти ҳаётида муҳим ўрин тутди, — деди кўргазмани очиб маросимида сўз олган соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров. — Зеро, ўзбек тиббиётининг қардош халқлар тиббиёти билан ҳамкорлиги илдижи терандир. Кўргазмада дунё тиббиётининг энг замонавий маҳсулотлари билан танишамиз, ўз навбатида биз ҳам ютуқларимизни хорихга кўрсатамиз. Бир сўз билан айтганда, халқаро тиббий алоқалар халқимиз саломатлиги йўлидаги эзгу, хайрли тадбирдир.

Ушбу аънавий тиббий анжуман олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Бунда хорихий тиббиётчилар ўзларининг дорихносликка оид асбоб-ускуналари, шифобахш ўтлардан тайёрланган парҳез маҳсулотлари, дерматология, болалар овқатлари, косметика, тиббий техника воситалари, лаборатория асбоб-ускуналари, диагностика, жарроҳлик асбоблари, шифохона, кли-



ника, офислар, стоматология хоналари учун мебеллар, шифохоналар учун бир марта ишлатиладиган маиший асбоблар, тиббиётчилар учун қулай, бежирим махсус кийим-кечақлар ва бошқа юзлаб турдаги тиббий маҳсулотларнинг жаҳон андозаларига мос хилларини намойиш этишмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тиббий техника ва дори-дармонларга ҳам қизиқш катта. «Супромед» илмий ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг 20 турдан ортиқ энг замонавий тиббий техника воситалари билан кўргазмада қатнашмоқда. — Маҳсулотларимиз жаҳон тиббиёт техникисининг энг замонавий дизайнлари талабларига мос, — дейди ушбу корхона раҳбари Баҳром Гайнуллин. — Кўргазмага қўйилган «Сүдидея» лазер аппарати, «Покиза», «Супро-Дил» дарсонвал, «Дарсона», тишда тўпланган тошни тозаловчи «Ультрадент» ва бошқа тиббий техникамизга қизиқувчилар қўлаиб қолди, хорихликлар билан шартнома ҳам имзолаяпти.

Козогистоннинг «Санто» кимё-фармацевтика заводи, Россиянинг «Алтайвитамины», шунингдек Туркия, Корея давлатлари тиббий компаниялари кўргазмага қўйган маҳсулотларга ҳам қизиқиш катта бўляпти. Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорихий дипломатик корпус вакиллари ва бошқа нуфузли меҳмонлар иштирок этдилар. **САНДА САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири** Суратларда: кўргазмадан лавҳалар. **Шавкат АКРАМОВ** олган суратлар

Болалар спорти

Маълумки, жорий йил бошида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтган. Унда жойлардаги аҳоли талаб даражасида эмаслиги, аникроғи, бу борада ишлар жуда секинлик билан амалга оширилаётганлиги таъкидланганди. Айниқса, тоғолди худудларда жойлашган туманларда болалар спортига етарлиги эътибор қаратилмаётганлиги алоҳида танқид остига олинганди.

«ҲИСОРАК»ДА ЯНГИ МАЖМУА

Бундан хулоса чиқарган Паркент тумани мутасаддилари «Ҳисорақ» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида беш гектарлик майдонда спорт мажмуаси барпо этишга қарор қилишди. 1 миллиард сўм қийматга эга ушбу ишоту туман ҳокимлиги ва ҳомийлар ёрдамида бунёд этилади. Жорий йилда эса 188 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши режалаштирилган. — Мажмуа битгач, ёшлар спортининг кўнгини турлари билан шугулланиш имкониятига эга бўлишида, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳсам Йўлдошев. — Келгусида маҳалламиздан машхур спортчилар етишиб чиқишига ишонамиз. Ҳозир мажмуа атрофи ободонлаштириляпти. 2 километрик масофадаги йўл қайта таъмирланиб асфальт ёлқизилляпти. Ишоту 2005 йилда фойдаланишга топириляпти. **Ориф ЖУМАНОВ**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Bija@mail.tps.uz

Мулоҳаза. Мунозара. Таклиф

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Хар қандай иқтисодий танглик бир вақтинг ўзида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий тизимни қайта қуришни талаб қилади. Собик Шўро давлатининг издан чиққан иқтисодий тизимидан сўнг мустақилликка эришган ҳар бир давлат олдида ўзининг миллий табиғати мос ва географик жойлашувига хос бўлган бозор муносабатларига ўтиш вазифаси кўндаланг турарди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ «Юртбошимиз» иқтисодиётни тангликдан ўзимиздан бўлак ҳеч ким кутқара олмаслигини қайта-қайта уқтирган эди. Шу боис, биз иқтисодий йўналтирилган бозор муносабатини йўлини танлаб, эркин иқтисодий, молиявий ва ижтимоий тадбирларни изчил равишда олиб бормоқдамиз. Чунки, ҳақон амалиётдан шу нарса маълумки, иқтисодий тангликдан чиқшининг бирдан-бир сигналган йўли тармоқлар иқтисодиётига эркинлик бериш, уларнинг ички ишларига фақат иқтисодий воситалар орқали аралашши, ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш учун қулай инвестицион иқлим яратиш, солиқлар юқини камайтириш ва солиқ йиғимларини айнан солиқ тўловчилар имкониятига мослаштириш лозимлигини тан олган бозор муносабатлари ҳисобланади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши асрлар давомидаги тажрибаларга эга, албатта. Аммо давр ва давлат бошлиқларининг ўзгариши, сиёсий тузумларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу ўз навбатида, бозор муносабатларига ҳам у ёки бу кўринишдаги ўзгаришлар киритишни тақозо этади. Аммо шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиётининг ўз объектив қонунилари мавжуд бўлиб, улар шаклан ўзгарган тақдирда ҳам мазмунан ўзгариши сезиларли бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлган ишлаб чиқариш ва ношлаб чиқариш соҳалари билан бирга хизмат

кўрсатиш соҳаси ҳам қучли иқтисодий аҳамиятга эга бўлади. Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги нуфузини тўлиқ эътироф этиб, уни алоҳида тармоқ сифатида ўрганади, тадқиқ ва таҳлил этади. Айрим мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасида яратилаётган қиймат, йиллик ялли ички махсулот қийматининг 50-60 фоизини, алоҳида мамлакатларда эса ҳаттоки 70 фоизгача бериб етганлари маълум.

Махсус адабиётларга таяниб айтиш мумкин, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий категориялар таркибига киритилган ва унга нисбатан қатор маркетинг ва бошқа мутахассислар таъриф бериб ўтганлар. Бизнинг фикримизча, берилган тартифлар ранг-баранг бўлишига қарамадан, уларнинг ҳаммаси ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини тўла-тўқис акс эттира олмаган. Айримлари бир-бирига ўхшаш келса, айримлари мазмунан бири-иккинчисини инкор этади. Бошқа бирлари эса мазмунан бир-бирига мос келса-да, шаклан бир қатор тафовутлар учрайди.

Бугунги кунга келиб хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектлар шу қадар ранг-баранг ва хилма-хилки, уларнинг барчасини бирма-бир келтириб ўтиш кўп савий-ҳаракат талаб қилади. Шундай бўлса-да, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг айрим устувор турларига изоҳ беришни мақсадга мувофиқ топдик:

— ишлаб чиқариш хизмати таркибини инжиниринг, лизинг, асбоб-ускуналарни жиҳозлаш ва хизмат кўрсатишлар ташкил этади;

— тақсимлаш хизматининг таркибига савдо, транспорт ва алоқа қиради;

— молиявий хизмат кўрсатишда тижорат банклари, сугурталаш, консалтинг, реклама ва бошқа молиявий субъектларни кўрсатиш мумкин;

— оммавий истеъмол хизматида уй-хўжалиги ва дам олишни ташкил этиш билан боғлиқ

бўлган чора-тадбирлар акс эттирилган;

— оммавий, яъни жамоага хизмат кўрсатиш телевидение, радио, маориф, маданият ва бошқа ижтимоий аҳамият касб этувчи хизматларни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси таркибига кирувчи турларни қанчалик қайда эътибор, улар доимийлик хусусиятига эга эмас. Бунга мисол тариқасида кўйидаги ҳолатларни келтириб ўтиш мумкин. Масалан, автомобилнинг кашф этилиши бутунлай янги тоифадаги ёқилғи қуйиш хизматининг пайдо бўлишига шароит яратди. Бу ўз навбатида, автомобилнинг олдинги авлодининг, хусусан от-арава хизмати кўрсатиш билан боғлиқ хизмат турларининг аста-секин йўқолишига олиб келди. Шунга ўхшаш мисолларни кўп-дач вақт эйтириш мумкин, албатта.

Мазкур ҳолатдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари доимийлик хусусиятига эга бўлимай, доимо шаклан ва мазмунан ўзгариб туришига мойил. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳаси таркибига кирувчи субъектларни умуман туркумлаш имконияти йўқ, дегани эмас. Чунки, ҳар қандай ўзгарувчан соҳаларда ҳам муайян доимийлик мавжуд бўлади. Айни шу ҳолат хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам таллуқли.

Юқорида зикр этилган фикрларга таяниб шуни айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳаси жуда ранг-баранг ва хилма-хил бўлишига қарамай унинг қўлимини чегаралаб бўлмайди. Чунки, даврининг ўзгариши янги-янги соҳа ва тармоқларнинг пайдо бўлишига олиб келиши билан бир қаторда, эскиларининг ўрнини босиб ёхуд шаклини ўзгаришига даъват этади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда миллий иқтисодиёт тўрт кўринишда акс эттирилади ва ўрганилади. Бу ўз навбатида, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама таҳлил ва

ўрганиш имкониятини кенгайтиради. Биз уларни кўйидаги йўналишлар бўйича ўрганиш ва тадқиқ этиш тарафдоримиз. Жумладан, ишлаб чиқариш соҳаси, ижтимоий соҳа, институционал соҳа ва хизмат кўрсатиш соҳаси.

Шу ерда алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида кайд этилган соҳалар таркибига кўйидаги тармоқларни киритиш мақсадга мувофиқ:

институционал соҳа таркибига, энг юқори давлат бошқарув органларидан тортиб, то маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларини ўзида акс эттирувчи давлат институтлари;

ишлаб чиқариш соҳаси таркибига, материал бойликлар ишлаб чиқарадиган ҳўжалик субъектлари мажмуаси;

ижтимоий соҳа таркибига, аҳолининг ижтимоий талабини қондиришига мўлжалланган барча турдаги муассасалар;

ва нихоят, **хизмат кўрсатиш соҳаси** таркибига ранг-баранг кўринишдаги пуллик хизматлар қиради.

Ушбу соҳаларнинг ўзаро боғлиқлиги хизмат кўрсатиш соҳасини бир вақтинг ўзида, ишлаб чиқариш соҳаси, институционал соҳа ва ижтимоий соҳани бирлаштириб миллий иқтисодиётнинг ялли ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг тўтган ўрнини эътиборга олиб, мамлакатимиздаги тармоқлар иқтисодиётда ундан кенг фойдаланишига қулай шарт-шароит туғдириш мақсадида махсус бир меърий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аввало, янги иш жойларини очади, қолаверса, аҳоли ижтимоий, маънавий муаммоларини ечишга хизмат қилади.

Мироди ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тинловчиси



500 ГА ЯҚИН КИШИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Непал пойтахти Катмандуда ҳукуматга қарши ўтказилган намойиш иштирокчиларидан салкам 500 киши полиция томонидан ҳибсга олинди, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида. Мазкур но-розилик намойишлари 20 кундан бери давом этмоқда. Улар қирол саройи томон «юриш» қилган эдилар полиция кўздан ёш оқизувчи газ ва «дубинка»-ларни ишга солиб, намойишчиларни тарқатиб юборди.

Мамлакатдаги 5 та мухолифат партия ва Непал конгресси ушбу намойишларга ташкилотчилик қилмоқда. Улар 2002 йили мамлакат қирол Гяендр Бир Бикрам Шох Дэв томонидан тарқатиб юборилган парламент учун умумий сайловлар ўтказиш ва кўппартияли ҳукумат тузишдек талабларни ўртага ташламоқдалар.

ЙЎЛЛАР ПУЛЛИК БЎЛАДИ

Россияда «Пуллик автомобиль йўллари тўғрисида»-ги қонун 2005 йилдан қўлдан кириши мумкин. Бу ҳақда Федерал йўллар агентлиги департаменти директори Николай Серегин маълум қилди. «Россия Федерацияси ҳукумати «Пуллик автомобиль йўллари тўғрисида»-ги федерал қонун яратиш гоёсини тасдиқлади. Уни ҳукуматга тақдим этиш мuddати шу йилнинг ноябрь охири, декабрь бошларига белгиланган. Демак, 2005 йилдан қонунни қўлдан кириши мумкин» деди у.

Шу кунгача пуллик автомобиль йўллари яратиш борасида бир неча лойиҳа танлов учун тайёрлаб қўйилган. Лойиҳаларда кўзда тутилган харажатлар 9 йилдан 30 йилгача бўлган мuddатда тўлиқ

ОҚСИЛ КАСАЛЛИГИ ТАҲДИД СОЛМОҚДА

Кунни кеча Амур вилоятининг олтинчи туманида — Благовещенскда ҳам фавкуллода ҳолат эълон қилинди. Шу пайтгача 5 та туманда ушбу ҳолат амалда.

Чорвачилик хўжалиқларида тарқалган оқсил касаллиги сабабли эндиликда 1000 га яқин қорамол йўқ қилинади. Инфекция тарқалишини тўхтатиш ва унинг олдини олиш учун ҳудудда карантин жорий этилди. Худуддан сут ва гўшт олиб

чиқиш қатъий тақиқланди. Касаллик ўчоғи Тамбов туманининг Садовое қишлоғидаги фермадир. У ерда 87 та қорамол оқсил билан касалланган. Шунинг учун ҳозирги кунда қишлоқ кўчасида ёки даласида бирорта сизир ёки чўққани кўрмайсиз. Негаки, уларни кўчага ёки далага чиқариш қатъий ман этилган. Фақат белгиланган одамларгина фермага боришига рухсат этилган.

Касалланган сизирлар алоҳида сақланмоқда. «Бу сизирларнинг барчасини йўқ

қилишга қарор қилдик. Шунингдек, ушбу фермадаги бошқа сизирлар ҳам, жами 940 таси йўқ қилинади. Негаки, инфекция оққан бўлиши мумкин» дейди Амур вилояти губернатори Леонид Коротков.

Ҳозир уй ҳайвонларини касалликка қарши эмлаш давом этмоқда. Фермалардаги хашаклар эса ёқиб юборилмоқда. Мақсад касалликни тезроқ бартараф этиш, бошқа худудларга тарқалишининг олдини олиш, дея хабар беради «Вести. Ру» сайти.


ҲАЛ ЭТИШ МУДДАТИ УЧ КУН

Литва Республикаси Марказий сайлов комиссияси мамлакатнинг собиқ Президенти Роландас Пакасасни 13 июнда бўладиган навбатдан ташқари президент сайловида иштирок этиши учун унинг номзодини рўйхатга олиш-олмаслик масаласини уч кун ичида ҳал этиши лозим. Бу ҳақда сешанба кун Марказий сайлов комиссияси раиси Зенонас Вайгаускас ИТАР-ТАСС агентлигига маълум қилди.

Ҳал шундаки, МСК Пакасаснинг номзодини рўйхатга олмади. Одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича бош хизмат комиссияси ушбу масалани қўриб чиқиб, ўз хулосасини беришини улардан илтимос қилди. Яъни 6 апрелда сеим томонидан қўлланган импичмент натижасида президентлик лавозимидан бўшатирилган Пакасас яна қайтадан давлат бошлиқлигига ўз номзодини қўйса бўладими-йўқми, шу масалани ҳал этиб бериши лозим.

Шундай қилиб, уч кунлик муҳлат бугун туғайди. Эртага эса Пакасаснинг номзоди ё рўйхатга олинади ёки...

ҚАҲВА ҲИМОЯ ҚИЛАДИ



Финляндия олимлари 14600 киши ўрта-сида ўтказган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қаҳвага ружу қўйганлар уни истеъмол қилмайдиганларга қараганда қанд касаллигига камроқ чалинаракан.

Маълумки, дунё бўйича Финляндияда энг кўп қаҳва истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам Хельсинкидаги жамоатчилик саломатлиги миллий институти олимлари бу борада бир неча тадқиқот ва кузатишлар олиб боришди.

Аниқланишича, кўнига уч-тўрт пиёла қаҳва ичган аёлда қандли диабетга чалиниш 29 фоизга камайаркан. Эркаларда эса бу кўрсаткич 27 фоизни ташкил этади. Агар бир кунда 10 ва ундан ортиқ пиёла қаҳва ичса аёлларда ушбу касалликка чалиниш 80 фоизга, эркаларда эса 55 фоизга камайаркан.

Финлар бир кунда ўртача 9 пиёла қаҳва истеъмол қилишади. Бу кўрсаткич бир йилда киши бошига 10,8 килони ташкил этади.

Journal of the American Medical Association журналинда ёзилганча, худди шундай тадқиқотни Гарвард олимлари ҳам 125 минг киши орасида ўтказган. Натижа юқорида айтилганидек бўлган, яъни кўнига 6 пиёла қаҳва ичган эркаларда қандли диабетга чалиниш икки бараварга аёлларда эса 30 фоизга камайган. Голландия олимлари ҳам бу борада илмий изланишлар олиб бормоқда. Илк натижалар юқоридагидек хулосалар чиқаришига асос яратмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ХЎРАМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Самарқанддаги «Стеклопластик» очик акциядорлик жамияти республикаимиздаги барча болалар боғчалари, мактаб, лицей-коллежлар, олий ўқув юртлари ҳамда спорт муассасаларини спорт анжомлари билан таъминлаш учун қўйидаги спорт жиҳозларини ишлаб чиқаришини ва етказиб беришини маълум қилади:

- Гимнастика якка чўни (бревно), баландлиги 100 см., 35-50 см.
- Йиғма турник.
- Қўшпоя (бруслар).
- Гимнастик «козёл».
- Гимнастика депсиниш кўприги (мостик).
- Гимнастик от (конь).
- Гимнастик дастакли от.
- Гимнастика ҳалқаси.
- Арқонлар (канат).
- Гимнастик ўриндиқлар.
- Гимнастика девори (шведская стенка).
- Боксчилар қопи.
- Гимнастик тўшақлар (мат).
- Волейбол ўйинлари учун устулар.
- Баскетбол шити (ҳалқа тўрлари билан).
- Стол тенниси.
- Катта теннис учун устулар.
- Гилла тўшақлари, ўлчам 12х12 метр (татами).
- Қўл тўши ва мини футбол ўйинлари учун дарвоза (тўрлари билан).
- Гимнастик таёқлар.
- Турли оғирлиқдаги гантеллар (2-5 кг.).
- Ўқув гранатаси 0,6 кг. ва 0,8 кг.ли.
- Армрестлинг столи.
- Енгил атлетика тирговичлари (колодка).
- Енгил атлетика тўсиқлари.
- Сақраш учун устулар.
- Узоқликка отиш дисклари.
- Тренажёрлар (турли хилдаги).
- Коптоқлар (4 хил).
- Катта ва стол тенниси учун тўрлар.
- Ракеткалар ва бошқалар билан керакли миқдорда таъминлаш имкониятига эга.

Шунингдек, «Стеклопластик» ОАЖ болалар боғчалари учун энг сўнгги русумдаги замонавий, бежирим ва сифатли, харидоригир 15 хилдаги юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, таълим масканлари учун ўттиз турга яқин мебел парта, доска, ўқув лаборатория анжомлари, тиббиёт муассасалари учун 15 хилдаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар ҳамда идора ва офис учун турли хилдаги замонавий мебеллар, стол-стулар ишлаб чиқаради ва инсталлан миқдорда етказиб бериш қувватига эга.

Бундан ташқари, қорхона ҳордиқ масканларига турли хилдаги аттракционлар қуриб бериш учун ҳам буюртмалар қабул қилади.

«Стеклопластик» ОАЖ юргимиздаги барча қорхона, ташкилот ва муассасалар билан шартномалар имзолашга тайёр ва уларни манфаатли ҳамкорликка чорлайди.

«СТЕКЛОПЛАСТИК» ОАЖ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАНИДАН МАМНУН!

Маълумот учун тел/факс:
**(+998 662) 31-01-19,
33-64-63, 38-01-19.**

Stekloplast@mail.ru
www.stekloplast.narod.ru

Бизнинг манзил:
Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Андиқоний даҳаси.

Меҳр ва мурувват — инсон зийнати

ЎНИНЧИ ФАРЗАНД

ЁХУД ЯХШИ ОДАМЛАР МЕХРИ ТУФАЙЛИ ОМОН ҚОЛГАН ОЛТИНОЙ ҲАҚИДА



матли Хошияхон онасига кўрсатди. — Кимдир ташлаб кетибди чоғи...

ни касалхонанинг болалар бўлимига ётқизишди. У тўрт ойлик қиз бола экан.

кампири Зухраҳон ая билан маслаҳатлашди.

— Топиб олганимиз ўнинчи фарзандимиз бўла қолсин. Узим қарайман. Лекин унга нима исм қўйсак экан? Онамиздан сўрайлик-чи, — деди.

Дард билан олишиб ётган 88 ёшдаги Хошия буви фарзандлари қарорига розилик билдириб, дуога қўл очди:

— Топиб олган боланг олтин бўлсин, отини ҳам Олтиной қўйинглар, — деди.

Мана шунга ҳам беш йил бўлди. Онахон эса 90 ёшни қоралаб оламдан ўтди. Олтиной эса чопқиллаб юрибди. Дастёр ҳам бўлиб қолди.

Хамма қўйинчилар ўтиб кетди. Шундай қилиб 67 ёшли

Комилжон Қосимов ўнинчи фарзанднинг отаси бўлди.

Хар қандай бахтсизлик ортида бахт яширинганидек, ерга ташлаб кетилган олтин ҳам бир оилани ҳаққий Олтинойга айланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза бизни ўйга толдирди: Бу оила юксак инсоний фазилатни намоян этди. Аммо маҳалла, туман раҳбарлари мана шундай бағрикенг инсонларни назардан четда қолдирмаётимикин?

Андижон вилояти, Жалақудук туманида истикомат қилётган Қосимовлар оиласида бундан 5 йил олдин юз берган бу воқеани ҳикоя қилиш мақсад — ҳар биримиз ўз инсонийлик бурчимиз, вазифаларимиз тўғрисида биров бўлсада фикр юриштиш, шу каби эзгу ишлардан хулоса чиқариш.

Пўлат АБДУЛЛАЕВ, меҳнат фахрийси

Суратда: Зухра ая ва Комилжон ота Қосимовлар ўнинчи фарзанди Олтиной билан.

Янги дарслик

«СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ»



Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, у унумли меҳнат қилиш, яхши дам олиш, бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш, танани чинқитириш, шахсий ва психогигиенага риоя қилиш, тўғри овқатланиш, зарарли одатлардан ўзини тийиш ҳамда ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб туришдан амал қилган ҳар бир фуқаро ўзи учун соғлом ҳаёт манбаини яратиб олиши.

Ана шуларни ўқувчи-талабаларга, улар орқали халққа етказиш мақсадида Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти томонидан Аъзам Расулов ва Дилором Ҳалимовларнинг «Соғлом турмуш тарзи» дарслиги нашр этилди. Ушбу китоб касбунахр коллежлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда «Саломатликка таъсир этувчи омиллар», «Оила ва саломатлик», «Тўғри овқатланиш», «Организмни чинқитириш», «Геронтология» муаммолари ва уларни бартараф этиш бўйича маълумотлар берилган.

ларини бажарувчи бўлиб қолмасдан, балки ўзи ҳам ташхис қўйиш, даволаш ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда фаол иштирок этиши лозим.

«Соғлом турмуш тарзи» клиник фанлар ичида муҳими ҳисобланади. Бу фан умумий амалий тиббиёт ҳамшираларига касалликнинг олдини олиш, инсон саломатлигини сақлаш ва кекса беморларни парвариш қилишни ўргатади.

Дарсликка соҳага тегишли бўлган маълумотлар содда тилда, қисқа ва лўнда ёзилган, талабаларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Лўтин алифбосида нашр этилган ушбу дарслик соҳа бўйича талабалар билиминини оширишда ақиндан ёрдам беради деган умиддамиз.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Огоҳлик

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ — ҲАЁТИЙ МАСАЛА

ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТАБИИЙ ОФАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ХАБАРДОР БЎЛИШ ШУ КҮН ТАЛАБИ

Ўлкамизда баҳор нафаси уфурётган айни кезларда аҳолини сел, қўчки, довул, зилзила сингари табиий офатлардан ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

техноген тусдаги қўчкилар кўпайиб бораётгани кузатишмоқда.

Ўшбу қўчки нима? Қўчки — тоғ жинсларининг ёнбағир бўлиб ўз оғирлиги таъсирида паст томон сурилиб силжиш жараёни.

Ўлкамизда баҳор нафаси уфурётган айни кезларда аҳолини сел, қўчки, довул, зилзила сингари табиий офатлардан ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Кўчкининг сабаблари — узоқ вақт ёмғир ёққанда ёнбағирнинг силжиши; дарахларнинг кесилиши, зилзила; ҳўжалик (ўзлаштириш) мақсадида ёнбағирнинг қирқилиши.

Бундан ташқари, бу борада махсус кузатув — муҳандис-геолог Давлат хизмати ҳам ташкил этилган бўлиб, у ўзининг 7 та ҳудудий кузатув станциясига, 21 постига эга.

Мутахассислардан олинган маълумотларда қайд этилишича, республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида йилга 150-250 мартагача қўчки ҳодисаси кузатилади.

Яна шунинг ҳам айтиш кераки, қўчкиларни илмий ўрганиш, баҳолаш, доимий кузатиш қанчалик аҳамиятга эга бўлса, бу борада жойларда аҳоли ўрта-сида маълум тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ниҳоятда зарурдир.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, фақулдада вазиятлар юз берганда одамларнинг ваҳимага берилмаслиги ва саросиммага тушмаслиги муҳим.

Қўчкининг сабаблари — узоқ вақт ёмғир ёққанда ёнбағирнинг силжиши; дарахларнинг кесилиши, зилзила; ҳўжалик (ўзлаштириш) мақсадида ёнбағирнинг қирқилиши.

Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фақулдада вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бунга дастуруламал

Раҳмонберди КЕНЖАЕВ, Фақулдада вазиятларда вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси, доцент

Футбол

Осиё чемпионлар лигаси «А» гуруҳи учрашувларида қатнашган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси тақвимга қўра, кеча Баҳрайнда «Ал-Риффа» футболчилари билан куч сиништириш лозим эди.

«АЛ-РИФФА» ҲАҚИДА ЧИҚДИ

Энди улар иштирокида ўтиши белгиланган барча ўйинларда «Ал-Риффа» ҳисобига техник маглубият қайд этилаётгани бўлди.

«Ал-Риффа» уррашуви ҳам ўтказилмади. Натихада техник ғалабаралар эвазига олти очкони қўлга киритган пахтакорчилар гуруҳ пешқадами бўлиб олди.

Шунингдек, кеча кечкурун «Д» гуруҳида ҳам навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди.

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАС

Мажозан: «Хиёнат, жиноят, айб, гўноҳ қилиб қўйган одам бунини яширишга ҳар қанча уринмасин, барибир бир кунмас-бир кун ошқор бўлмай қолмайди, қўлга тушиб, жазосини тортади», деган маънода қўлланилади.

ОЛА БУЛУТ — БАЛО БУЛУТ

«Булут ола — ер чала», «Булут ола бўлса, ёмғир чала бўлар». Агар булут ола, яъни парча-парча бўлса, ёмғирини ҳам ернинг баъзи жойини намлаб, баъзи жойига тегмай ўтиб кетади, ер қуруқ қолади.

Интер-спорт

БЕКХЭМ «ЧЕЛСИ»ГА ЎТАДИ...МИ? «Реал» (Мадрид) ва Англия терма жамоалари ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм шу йил мавсум охирида премьерлигага қайтиши мумкин экан.

КЛИЧКО РҲЙХАТНИ БОШҚАРМОҚДА Қуни кеча RING журнали профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасидаги энг кучли боксчиларнинг янги рейтинг жадалини эълон қилди.

«Учқўрғон-ЁҒ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Намаган вилояти Учқўрғон шаҳридаги «Учқўрғон-ЁҒ» ОАЖ акциядорларининг 2003 йил молиявий натижаларига баъинланган умумий йилнинг шу йилнинг 24 май кунини соат 11.00 да жамият мажлислаш хонасида бўлиб ўтади.

«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Table with financial data for 'Uchqorg'on-Yo'g' OJSC, including assets, liabilities, and equity. Includes a list of shareholders and their shares.

Давлат Мулк Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2004 йилнинг 25.28 май ва 1.4.8.11.15.18.22.25.29 июнь кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қўйилган қўйилди: — Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчасида жойлашган, обонлаштириш ишлари учун мўлжалланган, майдон 0.018 га, бўлган ер участкасига фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи — 1 801 800 сўм.

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА ҚЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2004 йил 20 апрель кунини кимозида савдосида бошланғич нархи — 512 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64.0 м ва Г-38.0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган: 68-сонли ер майдони — 700 000 сўмга, 69-сонли ер майдони — 700 000 сўмга, 70-сонли ер майдони — 700 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Навбатчи: Sahibjon SALIMOV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV «Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida o'qib-raqam bilan royxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshlab faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 564. 10669 nusxada bosildi. T — Tijorat materiali. Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. 1 2 3 4 6. SOTUVDA ERKIN NARXDA.